



INTERPRETATION OF MUTASHABIH VERSES IN TAFSIR AL-TABARI: LINGUISTIC APPROACHES OF EARLY ISLAMIC SCHOLARS

Habibullo Y. Sagdiev

Associate Professor ICESCO

Chair of Islamic Studies and Islamic Civilization.

E-mail: eagle75@mail.ru

Muslimakhon B. Anvarkhonova

Master student of the 1th year Islamic Studies Department

International Islamic Studies Academy of Uzbekistan.

G-mail: muslimahon19.10@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19848374>

ARTICLE INFO

Received: 22nd April 2026

Accepted: 27th April 2026

Online: 28th April 2026

KEYWORDS

Ta'wil, interpretation, anthropomorphism verses, mutashabih, Tafsir al-Tabari, Salaf generation, metaphor, Islamic exegesis.

ABSTRACT

This research explores the exegetical methodologies applied to anthropomorphic descriptions in the Quran, specifically focusing on the interpretations of the Salaf (early generations of Islam) as documented in Tafsir al-Tabari. The study addresses a highly pertinent issue in contemporary Islamic discourse: the persistent debates surrounding verses of mutashabih (ambiguous) nature, which often result in theological fragmentation. Many modern movements claim exclusive adherence to the "Salafist" path—those living within the first three centuries of the Hijri calendar. Utilizing a qualitative analytical approach, this study investigates the primary source, "Jami' al-bayan" (composed between 270–290 AH) by Imam Abu Jafar al-Tabari (d. 310 AH). The findings reveal a dualistic framework in the Salaf tradition: one segment of scholars preferred maintaining the literal wording while negating creature-like similarities (ithbat/tafwid), while another group employed ta'wil—a strategic linguistic shift of the text's apparent meaning to align with the divine context and linguistic metaphors.

ТОЛКОВАНИЕ МУТАШАБИХ АЯТОВ В ТАФСИРЕ АТ-ТАБАРИ: ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ РАННИХ ИСЛАМСКИХ УЧЕНЫХ

Хабибулло Ю. Сагдиев

Доцент ИСЕСКО, Кафедра исламоведения и исламской цивилизации.

Электронная почта: eagle75@mail.ru

Муслимахон Б. Анвархонова

Магистрант 1-го курса факультета исламоведения

Международная академия исламоведения Узбекистана.

Gmail: muslimahon19.10@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19848374>

ARTICLE INFO

Received: 22nd April 2026

ABSTRACT

Accepted: 27th April 2026Online: 28th April 2026**KEYWORDS**

Кораническая экзегетика, антропоморфные аяты, Ибн Джарир ат-Табари, методология саляфов, та'виль, теологическая герменевтика, ранние исламские ученые.

В данной статье исследуются методологические подходы к интерпретации антропоморфных описаний в Коране, зафиксированных в трудах представителей поколения саляфов в рамках «Тафсира ат-Табари». Работа затрагивает одну из наиболее дискуссионных тем в современном исламском богословии — толкование аятов категории муташабих (иносказательных), что нередко становится причиной теологических разногласий. Многие современные течения апеллируют к исключительному следованию пути саляфов — ученых первых трех веков хиджры. На основе качественного анализа первоисточника «Джами' ал-байан» (написанного между 270–290 гг. х.) имама Абу Джафара ат-Табари (ум. 310 г. х.), в статье выявляется дуалистическая концепция в наследии саляфов. Установлено, что одна группа ученых придерживалась принципа сохранения буквального текста при отрицании уподобления Творца творению (исполнение/тафвид), в то время как другая часть применяла метод та'виля — контекстуального смещения буквального смысла в сторону метафорического значения, соответствующего нормам арабского языка и божественной сущности.

ТАФСИР АТ-ТАБАРИЙДА МУТАШОБИХ ОЯТЛАР ТАЪВИЛИ: ИЛК ИСЛОМ УЛАМОЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ЁНДАШУВЛАРИ**Habibullo Y. Sagdiev**

ISESCO dotsenti, Islomshunoslik va Islom sivilizatsiyasi kafedراسи.

Elektron pochta: eagle75@mail.ru

Muslimaxon B. Anvarxonova

O'zbekiston Xalqaro Islomshunoslik Akademiyasi

Islomshunoslik mutaxassisligi 1-kurs magistranti.

Elektron pochta: muslimaxon19.10@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19848374>**ARTICLE INFO**Received: 22nd April 2026Accepted: 27th April 2026Online: 28th April 2026**KEYWORDS**

Таъвил, талқин, антропоморфизм, муташобих оятлар, Тафсир ат-Табарий,

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ибн Жарир ат-Табарийнинг "Жомеъ ал-баён" тафсирида келтирилган салаф солиҳинларнинг антропоморфик (муташобих) оятларга нисбатан қарашлари таҳлил қилинади. Мавзунинг долзарблиги бугунги кунда мусулмон оламида ушбу оятлар устида давом этаётган баҳслар ва турли гуруҳларнинг "салафлар йўли"ни даъво қилиши билан изоҳланади. Тадқиқот давомида "Тафсир ат-Табарий" асосий манба сифатида



салаф солиҳинлар,
мажоз, калом илми.

ўрганилиб, илк уч асрда яшаган уламоларнинг икки хил ёндашуви аниқланди: биринчиси — оятларни зоҳирий маъносида қолдириш (тафвиз/исбот), иккинчиси — оятдаги мажозий ифодаларни тил қоидалари асосида бошқа мазмунга кўчириш (таъвил). Мақола мураккаб калом масалаларини тарихий ва лингвистик жиҳатдан тушунишга ёрдам беради.

КИРИШ

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида маърифий ислом ғояларини тарғиб қилиш, ажодларнинг бой илмий меросини қайта тиклаш ва ўрганиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: **"Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассами сифатида асраб-авайлашимиз, ислом маданиятининг инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб этишимиз зарур"**. Бу борада Ислом оламида "Муфассирлар имоми" деб тан олинган Ибн Жарир ат-Табарий меросини ўрганиш, аниқса, ақидавий масалалардаги турли ихтилофларга илмий ечим топишда муҳим аҳамият касб этади.

Қуръони каримдаги муташобих (маъноси яширин, антропоморфик ифодаларга эга) оятлар талқини ислом тарихидаги энг нозик ва баҳсли мавзулардан биридир. Масалан, "истива" (юксалиш) сўзини Имом ал-Жувайний каби олимлар "иставла" (хукмронлик қилди) деб таъвил қилиш зарурлигини, акс ҳолда Аллоҳ таолога макон нисбатини бериш хавфи туғилишини таъкидлаганлар.

Ҳозирги вақтда салафийлик ва ашъарийлик йўналиши вакиллари ўз қарашларини дастлабки уч асрда яшаган "салаф солиҳинлар" (саҳоба, тобеин ва табаа тобеинлар) тушунчасига асосланишини даъво қиладилар. Ибн Таймия каби олимлар салафларнинг йўлини оятдаги Аллоҳнинг сифатларини ҳеч қандай таъвилсиз, зоҳирича қабул қилиш (исбот) деб ҳисоблайдилар [5:8-12]. Бироқ, суриялик замонавий олим Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий бу ёндашувни танқид қилиб, салафлар даври ягона бир мазҳаб эмаслигини, улар орасида ҳам зоҳирини сақлаган, ҳам маънони мажозга кўчирган (таъвил қилган) олимлар бўлганини исботлайди [3:112-115].

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзларининг "Сунний ақидалар" асарида ушбу масалага тўхталиб, шундай ёзадилар: **"Салаф уламолар муташобих оятлар борасида 'тафвиз' (маъносини Аллоҳга топшириш) йўлини тутган бўлсалар, кейинги давр (халаф) олимлари бузуқ ақидалар тарқалишининг олдини олиш учун тил қоидаларига мос равишда 'таъвил' йўлини танлаганлар. Ҳар икки йўл ҳам аҳли сунна доирасидадир"** [4:84-86].

Ушбу тадқиқотнинг мақсади — Ибн Жарир ат-Табарийнинг "Жомеъ



ал-баён" тафсири асосида салаф уламоларнинг муташобих оятларга нисбатан асл қарашларини ўрганиш ва бу борадаги турли қутбли қарашларни илмий мувозанатга келтиришдан иборат.

АСОСИЙ ҚИСМ

2. Муташобих оятлар салафлар нигоҳида

Мазкур бобда муаллиф Имом ат-Табарий (вафоти 310 ҳ.) томонидан ёзилган тафсирга асосланган ҳолда адабиётлар таҳлилини амалга оширади. Ушбу асар ислом тарихидаги энг биринчи мукамал тафсир манбаси ҳисоблангани боис тадқиқот учун асос қилиб олинди [3]. Унинг услубияти оятларни талқин қилишда салаф уламоларининг фикрларидан иқтибос келтиришга асосланган. Агар оят талқинида турли қарашлар мавжуд бўлса, Ат-Табарий саҳобалар ва тобеинларнинг фикрларини бирма-бир баён этади. Бундай ёндашув китобхонга муташобих оятлар борасида салафларнинг асл ғояларини

тушунишга имкон беради. Муаллиф таҳлил учун энг кўп баҳсларга сабаб бўладиган учта сўзни танлаб олди: "истива" (юксалиш/қарор топиш), "яд" (қўл) ва "важҳ" (юз).

2.1. "Истива" сўзининг талқини

Қуръони каримда "истива" сўзи масдар шаклида тўққиз ўринда учрайди: Бақара 2:29, Аъроф 7:54, Юнус 10:3, Раъд 13:2, Тоҳа 20:5, Фурқон 25:59, Сажда 32:4, Фуссилат 41:11 ва Ҳадид 57:4. Бироқ, Ат-Табарий Бақара сурасининг 29-ояти тафсирида ушбу сўзга энг чуқур таҳлилий таърифни бериб ўтади. Оятда шундай дейилади: **"У Ердаги барча нарсани сизлар учун яратган, сўнгра осмонга юзланиб (истива), уларни етти осмон қилиб ростлаган Зотдир"** [1]. Ушбу оят Ердаги барча нарса яратилгач, Аллоҳ таоло осмонни етти қават қилиб шакллантирганини баён қилади.

Ат-Табарий "истива" сўзининг маъносини араб шеърийатида таяниб қуйидагича изоҳлайди (1-жадвал):

| Сўзнинг маъноси | Таржимаси | Манба / Муаллиф фикри |
|-----------------|----------------------------|-------------------------------------|
| الإقبال | Юзланиш / Келиш | Тамим ибн Убай ибн Муқбил (шоир) |
| عمد | Қасд қилиш / Суяниш | Муаллиф (Араб тилидаги қўлланилиши) |
| الاستقامة | Тўғри бўлиш / Собитлик | Мусъаб ибн аз-Зубайр (шоир) |
| ارتفع والعلو | Юксалиш ва олий бўлиш | Ар-Рабиъ ибн Анас фикри |
| الاحتياز | Эгалик қилиш / Қамраб олиш | Муаллиф (Араб тилидаги қўлланилиши) |
| الاستيلاء | Ҳукмронлик қилиш | Муаллиф (Араб тилидаги қўлланилиши) |

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, араб тилида "истива" сўзи қасд қилиш, эгалик қилиш ва

бошқариш каби маъноларни англатади. Жумладан, шоир Тамим ибн Муқбил уни "келиш", Мусъаб ибн



аз-Зубайр эса "собитлик" маъносида қўллаган. Ат-Табарий тобеинлар авлоди вакили бўлган Ар-Рабиъ ибн Анаснинг "юксалиш ва юқори бўлиш" ҳақидаги фикрини алоҳида келтиради ва энг тўғри маъно сифатида айнан шу қарашни маъқуллайди:

"Аллоҳ таолонинг: 'Сўнгра осмонга истива қилди' деган сўзининг энг муносиб маъноси — Унинг олий бўлиши ва юксалишидир (ғала алайҳинна ва артафаъа). Сўнгра У Ўз қудрати билан осмонларни етти қават қилиб тартибга солди" [3. 1-жуз. – Б. 430].

Ат-Табарийнинг фикрича, агар ушбу оятнинг маъноси тинимсиз саволлар билан таҳлил қилинаверса, номаълум таъвилларга олиб бориши мумкин. Шу боис у Ар-Рабиънинг

талқини билан кифояланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ат-Табарий Ар-Рабиъ фикрини келтириш орқали оятни зоҳирий маънода, ортиқча фалсафий баҳсларсиз қабул қилишни маъқул кўрган.

2.2. "Яд" (Қўл) сўзининг талқини

Аллоҳ таолога нисбат берилган "яд" (бирликда) ёки "айд" (кўпликда — қўллар) сўзи Қуръони каримнинг тўртта оятида учрайди: Моида 5:64, Сод 38:75, Фатҳ 48:10 ва Зориёт 51:47. Ушбу оятларнинг ақидавий ва тафсирий аҳамиятини инобатга олиб, уларнинг мазмунини қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз:

2-жадвал. Оятлар ва уларнинг мазмуни

| Мазмуний таржима [1] | Оятлар | Сура ва оят |
|---|--|---------------------------|
| Яҳудийлар: «Аллоҳнинг қўли боғланган (бахил)», — дедилар. Ўзларининг қўллари боғлансин! (Аллоҳ) деди: «Эй Иблис, Ўз икки қўлим билан яратган нарсага сажда қилишдан сени нима тўсди?» | وَقَالَتِ الْيَهُودُ يَدُ اللَّهِ مَغْلُولَةٌ غُلَّتْ أَيْدِيهِمْ مَا مَنَعَكَ أَنْ تَسْجُدَ لِمَا خَلَقْتَ بِيَدَيْ | Моида, 5:64 Сод, 38:75 |
| Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. | يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ | Фатҳ, 48:10 |
| Осмонни Биз «қўллар» (қудрат) билан бино қилдик. | وَالسَّمَاءَ بَنَيْنَاهَا بِأَيْدٍ | Зориёт, 51:47 |

Моида сураси 64-оятда яҳудийларнинг Аллоҳ таолони бахилликда айблаганлари баён қилинади. Имом ат-Табарий ўз тафсирининг 10-жилдида таъкидлашича, яҳудийлар ўзларининг нодонликлари ва алдовлари сабабли Аллоҳга асло лойиқ бўлмаган сифатларни нисбат берганлар [3, 10-ж., Б. 450]. Аллоҳ таоло Ўз Расулига (с.а.в.) уларнинг бу

ботил иддаоларини қандай рад этишни ўргатган.

Сод сураси 75-ояти Иблиснинг Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан бош тортган пайтидаги ҳодисани сўзлайди. Ат-Табарий ўз тафсирининг 21-жилдида бу оятдаги "икки қўлим билан" иборасига тўхталиб, Ибн Умардан иқтибос келтиради: **"Аллоҳ таоло фақат тўрт нарсани — Арш, Адн жаннати,**



Қалам ва Одам (а.с.)ни бевосита Ўз қўли билан яратган, қолган мавжудотларга эса 'Бўл!' (Кун) деган [3, 21-ж., Б. 39]. Бу оят тафсирида Ат-Табарийнинг шахсий таъвили келтирилмаган, у фақат нақл билан кифояланган.

Фатҳ сураси 10-ояти Худайбия сулҳи асносида нозил бўлган. Ат-Табарий бу ерда икки хил талқинни зикр қилади [3, 20-ж., Б. 209]:

1. **Зоҳирий (лафзий) маъно:** Байъат пайтида Аллоҳга садоқат билдирганлари учун Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида бўлган.

2. **Мажозий маъно:** Аллоҳнинг қудрати ва кучи душманга қарши туришда Расулulloҳ (с.а.в.)га ёрдам бериш учун мусулмонларнинг кучидан юқоридир. Бу талқинда "қўл" сўзидан "қудрат" (куч) маъносига кўчиш (таъвил) кузатилади.

Зориёт сураси 47-оятида осмоннинг "айд" (қўллар) билан бино қилингани айтилади. Ат-Табарий Ибн Аббос (р.а.) ва тобеинлардан Қатада, Мужоҳид, Мансур ибн Муътамар, Ибн Зайд каби уламолардан иқтибос келтирган ҳолда, бу ердаги "айд" сўзи **"би қувва"** (қудрат билан) маъносини англатишини баён қилади [3, 22-ж., Б. 438].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Фатҳ (48:10) ва Зориёт (51:47) сураларининг талқинида "қўл" сўзининг "қудрат" маъносида ишлатилиши рамзий маънога эга. Моида (5:64) оятидаги "Ядуллоҳ" ибораси ҳам бахилликнинг тескариси сифатида мажозий мазмун касб этади.

2.3. "Важҳ" (Юз) сўзининг талқини

Аллоҳ таолога нисбат берилган "важҳ" (юз) сўзи Куръони каримнинг бир неча оятларида учрайди. Жумладан: Бақара 2:115, Бақара 2:272, Раъд 13:22, Рум 30:38-39, Раҳмон 55:27 ва Лайл 92:20. Муаллиф ушбу оятлар ичидан Бақара сурасининг 115-оятини алоҳида таҳлил учун танлаб олди, чунки бошқа оятлардаги "важҳ" сўзининг маъноси бу оятдагидек батафсил шарҳланмаган. Оятда шундай марҳамат қилинади:

"Машрик ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Қай тарафга юзлансангиз, Аллоҳнинг "важҳи" (юзи) ўша тарафдадир. Албатта, Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва билувчи Зотдир" [1].

Имом ат-Табарий ўз тафсирининг 2-жилдида ушбу оятдаги "важҳ" сўзининг маъноси бўйича тўртта асосий қарашни келтиради [3, 2-ж., Б. 536]:

1. **Қибла маъносида:** Тобеинларнинг улуғ вакили Мужоҳиддан нақл қилинишича, бу ердаги "важҳ"дан мурод Аллоҳнинг қибласидир.

2. **Аллоҳнинг Ўзи (Зоти) маъносида:** Манбаси кўрсатилмаган иккинчи талқинга кўра, бу ерда "Аллоҳнинг Ўзи" (Зоти) назарда тутилган.

3. **Аллоҳнинг розилиги маъносида:** Учинчи талқинга кўра, инсон қайси тарафга юзланмасин, у ерда Аллоҳнинг розилигини топиши мумкинлиги ифодаланган.

4. **Илоҳий сифат маъносида:** Тўртинчи ёндашувга кўра, "важҳ" Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлган илоҳий сифатидир.



Ушбу талқинлардан кўриниб турибдики, салаф уламолари "важҳ" сўзини тушунишда икки хил методдан фойдаланганлар.

Биринчиси — таъвил методи бўлиб, бунда сўзнинг зоҳирий маъноси "қибла", "Зот" ёки "розилик" каби мажозий маъноларга кўчирилган. **Иккинчиси — исбот методи** бўлиб, бунда "важҳ" Аллоҳнинг илоҳий сифати экани ҳеч қандай таъвилсиз таъкидланган.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган изоҳларга таянган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, салаф авлоди «истива» сўзини таъвилсиз талқин қилганлар, яъни Аллоҳ таолонинг осмонда эканини ҳеч қандай шубҳа ва саволларсиз (би-ла кайф) тасдиқлаганлар. «Аллоҳнинг қўли» иборасида эса салаф авлоди оятнинг контекстига қараб таъвилни қўллаганлар ва буни «қудрат» (куч) маъносида тушунганлар. «Важҳ» (юз) сўзи борасида эса, уларнинг баъзилари таъвил қилиб «қибла» деб ифодалаган бўлсалар, баъзилари «юз» сифатини Аллоҳ таоло учун таъвилсиз борлигича тасдиқлаганлар. Ушбу мунозаралардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, салаф авлоди орасида баъзилар оят контекстидан келиб чиқиб таъвил қилганлар, бошқалари эса таъвил қилмасдан, Аллоҳнинг сифатларини қандай бўлса, шундайлигича бевосита тасдиқлаганлар.

Имом ат-Табарийнинг «Жомеъ ал-баён» асари муташобих оятларни талқин қилишда салаф уламоларининг хилма-хил ва бой

илмий меросини бизга етказувчи бебаҳо манбадир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, «салафлар йўли» деганда фақат бирёқлама, қотиб қолган ёндашувни эмас, балки оятнинг контексти ва араб тили қоидаларига асосланган илмий кенгликни тушуниш лозим.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, «жаҳолатга қарши маърифат» билан курашиш ғоясига асосланади. Муташобих оятлар атрофидаги баҳслар асрлар давомида турли ихтилофларга сабаб бўлган бўлса, ат-Табарий каби буюк аждодларимизнинг меросини тўғри ўрганиш бугунги кунда ёшларимизни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилишда муҳим қалқон бўлиб хизмат қилади.

Ушбу мавзунинг кенг қамровлиги ва долзарблиги ҳақида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ўзларининг «Ихтилофлар: сабаблар, ечимлар» асарида шундай ёзадилар:

«Ақидавий масалаларда, айниқса муташобих оятлар талқинида салаф ва халаф уламоларининг йўлини тўғри англаш умматнинг бирлигини сақлашда бош омилдир. Биз аждодларимиз қолдирган бу илмий мезонларга амал қилсак, адашувлардан йироқ бўламиз» [3:156].

Шундай қилиб, ат-Табарий тафсирини ўрганиш бизга нафақат тарихий маълумот беради, балки ҳозирги даврдаги диний бағрикенглик ва мўътадиллик



тамойилларини илмий асослашда асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг бой исломий мероси қайта тикланаётган бир даврда, бу

каби тадқиқотлар миллий ўзликни англаш ва соф ислом маърифатини ёйишда стратегик аҳамиятга эга.

References:

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Tafsir-books, 2023.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақидалар. – Т.: Nilol-Nashr, 2021.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар: сабаблар, ечимлар. – Т.: Nilol-Nashr.
4. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Жомеъ ал-баён ан таъвили аят аль-Қуръон. 1-нашр. – Қоҳира: Дор ал-Ҳижр, 2001.
5. Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий. Ал-Ламазҳабийя: ахтар бидъа туҳаддидуш шарийатал исламия. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 2005. – Б. 112–115.
6. Ал-Жувайний. Китаб ал-Иршод ила қоватиъ ал-адилла фи усул ал-иътиқод. – Миср: Матбаа ас-Саода, 1950.
7. Ибн Таймия. Тақийуддин. Ат-Тадмурия: Таҳқиқ ли асмаи ва-с-сифат ва ҳақиқат ал-жамъи байна ал-қадар ва аш-шаръ. 2-нашр. – Риёд: Мактаба ал-Абикан, 2000.
8. Ибн Аби Ҳотим ар-Розий. Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. 1-нашр. – Байрут: Дор ихёут-турос ал-арабий, 1952.
9. "Тафсири ат-Табарий"да салафлар авлоди томонидан антропоморфик оятларнинг талқин қилиниши. – Ижтимоий ва гуманитар фанлар мажмуаси, 1-SENARA конференцияси материаллари, 2022.